ЭМОЦИЯЛАРНИНГ МЕНТАЛИТАЛ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ

Ш.Ҳ.ШАҲОБИДДИНОВА, Г.НОСИРОВА

Данная статья посвящена анализу проблемы отражения в языке специфических особенностей менталитета носителей языков разных типов. Основным материалом исследования служат примеры, взятые из английского и узбекского языков.

This article is devoted to the analysis of the peculiarities of the mentality of the language speakers of different types. The main source for analysis are taken from theEnglish and Uzbek languages.

XX аср охири ва XI аср бошида тилшунослик ҳам бошқа қатор назарий тараққиёт босқичини бошидан кечираётган фанлар қатори амалий тараққиёт йўлига ўтиш заруриятига тўқнаш келди. Жаҳон тилшунослигида тахминан XX аср ўрталаридан бошланган амалий тадқиқотларнинг кескин кўпайиши, собиқ шўролар тизими ҳукм сурган ҳудудда ижтимоий ҳолатлар туфайли XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб юзага кела бошлади. Аммо бу соҳага катта қизиқиш ва муайян натижалар кейинги 10-15 йилда юзага келди.

Собиқ иттифоқ таркибидаги республикаларнинг мустақилликка эришиши миллий ўзликни англаш, миллий онг, миллий ғоя ва мафкура тушунчаларини актуаллаштирди. Уларнинг ифодаловчиси ва шакллантирувчиси бўлган тилни ўрганишда ҳам замонавий оттенкалар пайдо бўлди.

Жаҳон тилшунослигида анча қадимий илдизларга эга бўлган психолингвистика шу даврдан бошлаб янги тараққиёт босқичига ўтди дейиш мумкин. Бу босқичнинг ўзига хос характерли белгилари, бизнингча, қуйидагиларда кўринади:

1. Тилларнинг ўзига хос хусусиятларини белгилашда биологик, ижтимоий омилларга алоҳида эътибор берилади.

2. Турли типдаги ва турли ижтимоий характеристикага эга бўлган тиллар қиёсланади.

3. Тилларни ўрганишда амалий мақсадлар етакчилик қилади.

Психологик нуқтаи назардан қараганда, «инсон биологик мавжудоддир; шу билан бирга у ижтимоий мавжудоддир ҳам ва буларнинг ҳар иккиси битта шахсдир. Психологиянинг мақсади – инсонни бу икки турли жиҳатлар бирлигида очиб беришдир.» (3.63;4.5)

Психолингвистиканинг вазифаси эса инсоннинг онгида мавжуд бўлган оламнинг лисоний манзараси шаклланишида бу икки факторнинг ўрнини аниқлаш ва шу орқали инсоннинг руҳий ҳолатини лингвистик материал орқали таҳлил қилишдир.

Эмоциялар инсоннинг руҳиятигина эмас, онгининг ҳам асосидир.

«Инсоннинг онгига албатта инсон тортилган мураккаб объектив ва аввало ижтимоий муносабатлар аксини топган ҳиссиётлар дунёси ҳам киради» (5.27).

Онг ва руҳият муносабати масаласи жуда мураккаб бўлиб, психологларни қай бири қай бирига нисбатан етакчилигига оид муаммолар ўйлантириб келади.

Инсоннинг онгости туйғуларини қуйи босқич сифатида баҳолаш анъанаси анча кенг тарқалган: «Онгсизликда, онгдан фарқли ўлароқ, инсон томонидан амалга оширилаётган ҳаракатларни мақсадли назорат қилиш ва уларнинг натижаларини баҳолаш имкони ҳам мавжуд эмас» (5.28).

Шу билан бирга биз онгдан ташқари деб ҳисоблайдиган ҳиссиётлар олами аслида ҳали англанмаган йирик бир системанинг реаллашувидир. Ҳар бир шахс аждодлари томонидан йиғилган улкан тажрибанинг ташувчисидир.

Эмоциянинг юзага чиқишидаги автоматизм худди машина ҳайдашда узоқ йилларда қўлга киритиладиган автоматизмга ўхшайди: кўп йиллик ҳайдовчиларда машина бошқариш деярли англанмаган ҳолда амалга оширилаверади. Инсоннинг эмоционал хусусиятлари эса энг узоқ даврлардан буён шаклланиб келаётган мерос сифатида авлоддан авлодга ўтади.

Бу ҳақида А.И.Герценнинг қуйидаги фикри диққатга сазовор: «Ҳар бир инсон илдизлари деярли Одам Ато боғига бориб тақалувчи ҳайбатли генеолгик дарахтга суянади; ортимиздан жаҳон тарихининг бутун бир океан оқимидай оқими келмоқда, барча асрлар фикрлари худди шу дақиқада бизнинг онгимиздадир …!» (2.225).

Универсал эмоциялар – ғазаб, қўрқув, нафрат, қайғу, қувонч, ҳайратнинг барча халклар учун умумийлиги шубҳасиз. Бироқ ҳар бир халқ вакили ўз менталитетидан келиб чиқиб бу эмоцияларни ҳам физиологик, ҳам лингвистик жиҳатдан турлича акс эттиради.

Рус ва инглиз тилларида эмоцинал концептларни кластер таҳлил усулида текширган В.Ю.Ап-

ресян фикрича, эмоция билдирувчи сўзларни алоҳида-алоҳида олиб текширилганда, уларда анча катта фарқ бордек кўринади: бу фикрни исботлашга ҳаракат қиламиз. Масалан, биз инглизча *anger* сўзини русча *сердиться* ва *злиться* сўзлари билан алоҳида олиб бошқа "ғазаб" маъноли сўзларни кўрмай қиёсласак, шундай хулосага келишимиз мумкинки, *ғазаб*нинг инглизча ҳамда ўзбекча концептуализацияси ўзаро тубдан фарқ қилади. Масала шундаки, инглизча *anger* сўзи шароит ва ҳиссиётларнинг жуда кенг доирасини тасвирлайди, рус тилида эса бундай кенг маъноли мутаносиб сўз йўқ, бу эса контекстда турли-туман таржима эквивалентларини талаб қилади.

Аммо кластер усулида текширилганда, бирмунча ўзгача манзара кузатилади: «Шундай қилиб, ҳар икки тилда алоҳида эмоциялар сифатида, бошқалар қаторида, "ғазаб" нинг қуйидаги кўринишлари ажратилади:

- кучли, бошқариб бўлмайдиган ғазаб – *'гнев' - ярость, бешенство, fury, rage*;

- юзаки ва, балки, экспериенсер характерининг ўзига хосликларидан келиб чиққан ғазаб – *'гнев' – раздражение, irritation*;

- қўйилган мақсадга эришилолмаганликдан келиб чиққан (балки аниқ объектга эга бўлмаган) ғазаб – *'гнев' - досада, frustration*.

Шундай қилиб, биз "ғазаб"нинг барча майдонларини бутунича тадқиқ қилсак ва қиёсласак ҳамда бутун системани, унинг алоҳида қисмларини эмас, кўрсак, алоҳида сўзларни қиёслагандагига нисбатан анча кўп системавий ўхшашликлар юзага чиқади(аслида буни, балки, ҳар бил тил жуфтлиги мисолида кўриш қийин бўлса ҳам)» (1.22).

В.Ю. Апресян фикрича, халқлар менталитети орасидаги фарқни тил тўла-тўкис ифодалаб беради, дейиш қийин:

«Алоҳида қисмлар эмас, бир бутун системаларни қиёслаш, афтидан, яна бир хавфдан – турли тил ташувчиларининг менталитетидаги фарқларни кўрсатувчи сифатида алоҳида сўзларнинг лингвистик ўзига хосликларини абсолютлаштиришдан – сақлайди. Албатта, маданиятлараро фарқлар жуда чуқур бўлиши мумкин ва тил уларни қай даражададир акс эттиради, бироқ тилнинг менталлик "ойнаси" сифатидаги объективлиги ноаниқ, айниқса, мезон сифатида муайян сўзнинг таржима қилиниш-қилинмаслигига суянилса. Масала шундаки, тўлиқ таржима – ўта кам учрайдиган ҳодиса ва аниқ эквивалентлар йўқлигидан менталитет ҳамда ҳиссиётлардаги катта фарқлар ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди» (1.22).

В.Ю. Апресян ва у асосланаётган бошқа тилшуносларнинг тилни ўрганишга соф лингвистик нуқтаи назардан ёндашадилар. Аммо тил халқ менталитетининг таркибий кисмигина эмас, уни ифодаловчи, кодловчиси, сақловчи ва ташувчисидир. Албатта, менталитет тушунчаси тилдан кўра кенг. Бирок тил унинг ядросидир. Шу сабабли тилнинг барча сатҳ бирликлари ҳам ўзида менталитал ишораларни ташийди.

Хусусан, базавий эмоциялар барча инсонлар учун бир хил бўлиши мумкин (миллатидан катъий назар). Бироқ бу эмоцияларнинг туғилишига сабаб бўладиган предметлар, ҳодисалар турлича бўлиши, бу эмоцияларнинг юзага чиқиш тарзи ҳам хилма-хил кўриниш касб этиши мумкин.

Мисол учун қуйидаги ҳолатни қиёслаб кўрайлик. Рус кишиси учун ушбу жумла одатий:

Я ненавижу борщ.

Аммо ўзбек «*Мен карам шўрвадан нафратланаман*» тарзида жумла тузмайди; «*Мен карам шўрвани ёқтирмайман*», «*Мен карам шўрвани ёмон кўраман*» жумлалари у учун меъерий ҳолат бўлади.

Ўзбек онгида предмет ва ҳайвонларга нисбатан юксак инсоний туйғуларни намоён қилишга нисбатан тўсиқ мавжуд. Шу туфайли ҳам нарсага ёки ҳайвонга нисбатан «*севги*», «*нафрат*», «*рашк*», «*ҳасад*» … каби туйғулар йўналтирилмайди.

Бизнингча, тил ўзида менталитетнинг барча қирраларини намоён эта олади, эта оладигина эмас, айнан шу жиҳат миллий тилларнинг ўзаро фарқли жиҳатларини шакллантиради ҳам.

Адабиётлар:

1. Апресян В.Ю. Опыт кластерного анализа: русские и английские эмоциональные концепты. // Вопросы языкознания, 2011, № 1
2. Герцен А.И. Былое и думы. Т..3.- М.: Художественая литература, 1973
3. Монтьев А.А. Психолингвистика.- Л.: Наука, 1967.
4. Wallen H. Sur la specifite de la psycologie. "La Raison", №15, 1956.
5. Общая психология.- М.: Просвещение, 1986

Андижон давлат университети,
2012 йил 7 февралда қабул қилинган